

2. Г.Х. Тураева. Проблемы машинного перевода при переводе на узбекский язык. / Universum: Технические науки / 10-1 (79). 2020 г.

3. Атаева Г., Тураева Г. [Перевод как средство взаимосвязи мировой культуры](#) / Academy: Проблемы науки / №12(51). 2019 г.

4. To'rayeva G. Mamarayimova Z. Mashina tarjimasining o'zbek tilidagi muammolari. / "Замонавий таълимда рақамли тизимларни қўллаш: филология ва педагогика соҳасида замонавий тенденциялар ва ривожланиш омиллари" / Xalqaro ilmiy-amaliy masofaviy konferensiya. Toshkent, 2020 yil, 1 iyul.

5. А. В. Чемышев. Использование нестандартной кодировки в интернете: Взгляд на проблему / Языковая палитра / Финно–угорский мир. 2012. № 3/4.

6. <https://www.gazeta.uz/oz/2019/05/22/alifbo/>

7. <https://ru.wikipedia.org>. [The Unicode® Standard: A Technical Introduction](#) (недоступная ссылка). Дата обращения: 4 июля 2010.

УДК 378.147      ББК 74.262.23

## ИНТЕГРАТИВ ДАРС МАШҒУЛОТЛАРИНИ ЎТҚАЗИШДА МУЛЬТИМЕДИА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

Ниязхонова Б.Э., Махмудова М.М.

Мультимедиа технологияларнинг дидактик имкониятлари ўқув материалларини турли формат, ранглар ва шаклларга эга бўлган матнлар, жадвал-лар, статик ва динамик графиклар, анимацион моделлар ва интерфаол сервис дастурлари қўллаш ҳисобидан кескин ошади. Дарс мазмунини очиб берувчи жараёнларни тегишли изоҳлар бериб, турли вариантларда намоён этиш ва зарурий ҳолларда орқага қайтариш/такрорлаш билим олиш суръатини ўқувчилар салоҳиятига, ахборотни қабул қилиш, қайта ишлаш ва хотирада сақлаб қолиш суръатига мослаштириш, таълим жараёнининг муҳим компоненти бўлган қайтар алоқани доимий сақлаб туришга имкон яратади.

Мутахассислар аниқлашларича, ўқувчиларнинг оператив хотираси ҳажми анъанавий маъруза натижасида ошиши 36% га ва мультимедиа техноло-гияларига асосланган маъруза натижасида 88% га ошиши кузатилган. Бундан ташқари, 2-нчи ҳолда ўқувчиларда асабий зўриқишнинг камайиши, кайфият яхшиланиши, дарс жараёнида қатнашиш фаоллиги, диққатнинг концен-трацияси ва йўналганлиги ҳам сезиларли даражада ошиши кузатилган.

Машғулотларни замонавий таълим технологиялари талабларига мослаб илмий-услубий ва услубий-дастурий жиҳатдан тайёрлаш, кўп қиррали жараён бўлиб, педагогдан фаннинг фундаментал асосларини чуқур билиш, турдош фанлардан олган билимларини интегратив дарс тамойиллари асосида уйғунлаштириш ва ўқув материалларини фанлараро боғлиқликни очиб берув-чи энг янги маълумотлар билан мунтазам тўлдириб боришни талаб этади.

*Мультимедиа технологияларига асосланган интегратив дарснинг ўқув ва синон-назорат материалларини тайёрлаш ҳам ўзига хос хусусиятларга эга.*

**1. Дарс сценарийсини** ишлаб чиқиш жараёни фан ўқитувчиларининг (*физик+кимёгар, физик+биолог, физик+математик*) мавзу доирасида асосий атамалар, терминлар ва базавий тушунчалар рўйхатини тузишдан бошланади.

Умумий тушунча	Физика фанлари	Астро-номия	Математика фанлари	Кимё фанлари	Биология фанлари
Масса	+	+	-	+	+
Ўлчам	+	+	+	+	+
Вақт, с	+	+	+	+	+
Ҳарорат	+	+	-	+	+

2. **Дарс ўтиш** технологияси (*намойиш қилиш ва тушунтириш, тафаккурни ривожлантирувчи дидактик ўйинлар, танлов-мусобақа*) ва унга мос равишда ўқув материаллари форматлари ва ҳажми аниқланади. Интегратив дарс учун танланган базавий тушунчалар мазмунан чуқур, қисқа ва аниқ ифо-даланиши, ўзаро мантиқий ва семантик боғлиқ бўлиши, уларнинг ўзига хос жиҳатлари ва фанлараро боғлиқлик амалий мисолларда кўрсатилиши лозим.

3. **Ўқув материаллари** сифатида турдош фанларнинг мазмунан яқин ва мантиқий узвий боғланган элементлари танлаб олинади ва MS PowerPoint 2003 воситасида тақдимот материаллари тайёрланади (бу ишга компьютердан фойдаланиб биладиган талабаларни жалб этиш яхши самара беради!).

4. **Тақдимот материаллари** ҳажми 15-20 слайдлардан иборат бўлиб, уларда мавзу номи, иш режаси, дарсни олиб бориш тартиби, синов-назорат материаллари ва баҳолаш меъёрлари келтирилади. Зарурий ҳолларда видеофильмлар ва фотоматериаллар йиғмаларидан ҳам фойдаланилади.

5. **Таълим жараёнида** фанлар ўқитувчилари тингловчиларнинг дарсда фаоллиги, синов топшириқларини бажариши ва ўзлаштириш даражаси ни кузатиб борадилар, муҳокама этадилар ва биргаликда баҳолайдилар.

Тажрибали маърузачининг дидактик имкониятлари мультимедиа дарслик билан бахслаша олмаса ҳам, у касбий малакаси ва педагогик маҳорати ҳисобидан юқори даражада дарс самарадорлигига эришади. Аммо, етарли педагогик маҳоратга эришиб улгурмаган ёш ўқитувчилар учун назарий машғу-лотлар самарадорлигини оширишнинг муҳим омиллари сифатида кўргазмали қуроллар, намойиш тажрибалари, ўқув фильмлари, моделлар ва компьютер анимацияларини дарс жараёнида ўринли қўллаш тавсия этилади.

## **УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА РОБОТОТЕХНИКА ТЎГАРАКЛАР ФАОЛИЯТИНИ ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАР ЁРДАМИДА РИВОЖЛАНТИРИШ**

**Б.Б.Мўминов, Г.Ё.Бўронова, З.Ш.Норова**

*ТАТУ, т.ф.д. “Информатика асослари” каф.мудир*

*БухДУ “Ахборот технологиялари” каф. ўқитувчиси*

*Бухоро туман 16-мактаб, информатика ўқитувчиси*

Ўзбекистон Республикасидаги шиддатли ўзгаришлар таълим тизимига ҳам жаҳон миқёсида кенг йўл очиб бермоқда, замонавий информацион технологияларнинг тезкор ривожланиши, глобал телекоммуникацион технологияларнинг такомиллашиб бориши электрон таълим муҳитида инсонни ишга бўлган муносабатини креатив ёндашувини талаб этмоқда. Замонавий дунёнинг инновацияларига мослашиш, доимий янгиланувчи жамият ҳаётига ёш авлодни тайёрлаш ва уни замон талабларига мувофиқ такомиллаштириш жараёнларида фаол иштирок этиш қобилиятини ривожлантириш умумий ўрта таълим муассасаси педагогини муҳим касбий вазифаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг имкониятларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш, умумий ўрта таълим муассасалари таълим сифати ва самарадорлигини ошириш<sup>10</sup> каби йўналишлар белгиланиб, бу борада умумий ўрта таълим муассасаси педагогларини креативлигини ривожлантириш катта аҳамият касб этади. Саноатнинг, хусусан, мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши инсон ресурсларининг креатив қобилиятлардан фойдаланишига боғлиқ. Шу билан бирга, креатив одамларнинг шаклланиши таълим тизимининг вазифаларидан биридир. Креативлик ҳар қандай фаолиятда шахснинг янги, оригинал ғояларни яратиш

<sup>10</sup> Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгилашиш сари рисола. -Т.:2017. Б.70-71.